# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 26 сентябрь, № 193 (6887) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАТАРИСТОН РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханновни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ҳамда жорий йил апрель ойидаги Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ, Россия Федерациясининг Татаристон ва бошқа субъектлари билан алоқалар фаоллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мавжуд улкан саноат салоҳияти, анъанавий яқин ҳамкорлик ва кўп асрлик маданий-тарихий алоқалар кўп қиррали ўзаро шерикликни тубдан кенгайтириш учун ишончли пойдевор яратаётгани қайд этилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашув ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма дастурларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Татаристон Президенти Рустам Миннихонов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, юқори ва олий даражадаги мунтазам учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг изчил ривожланиши ва янада мустаҳкамланишига, турли соҳалар, жумладан, қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган «яшил йўлак» доирасида Россия бозорига етказиб берилаётган ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг тури ва ҳажми кенгайиб бормоқда. Россия ташкилот ва компаниялари ҳар йили Ўзбекистонда ўтказилаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу ойнинг бошида бўлиб ўтган навбатдаги ярмарка якунида умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ бўлган экспорт шартномалари имзоланди.

Агросаноат мажмуида қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Интенсив боғдорчилик, иссиқхоналар хўжалиги, чорвачиликни ривожлантириш, селекция ва уруғчилик соҳалари шулар жумласидандир. Мамлакатларимиз илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Учрашувда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва замонавий савдо-логистика инфратузилмасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аграр соҳада кооперацияни кучайтириш ва қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уруғлик ва ветеринария препаратлари тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия қишлоқ хўжалиги вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Александр Ткачев Россия мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экологик вазиятни яхшилашга, шу жумладан, сув объектларини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, тошқин ва сел ҳодисаларида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар дарёлар ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналари, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш деб юритилади) ишларини амалга оширишда қум-шағал материалларини рухсатсиз қазиб чиқариш учун шарт-шароитлар яратмоқда.

Ўз навбатида, қум-шағал материалларининг рухсатсиз қазиб чиқарилиши аксарият ҳолларда ер усти ва ер ости сувлари камайиб кетиши, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирғоқлари, суғориш тизимлари, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг бузилишига, шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Фақат 2017 йилда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш бўйича 228 та ҳолат, шу жумладан, давлат экологик экспертизаси хулосаси ёки норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияси мавжуд бўлмаган 176 та субъект томонидан ноқонуний амалга оширганлик ҳолатлари аниқланган.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ноқонуний амалга оширилишига йўл қўймаслик, атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш, шунингдек, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари (кейинги ўринларда ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) қарорларига асосан, бошқа ташкилотлар томонидан фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН — ТАТАРИСТОН БИЗНЕС ФОРУМИ

*Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновнинг ташрифи доирасида 25 сентябрь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доираларининг қўшма бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

Форумда Ўзбекистон ҳамда Татаристоннинг ташқи савдо, сармоя, ёқилғи-энергетика, автомобилсозлик, қурилиш, кимё, енгил саноат, тиббиёт, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари F. Ибрагимов, Татаристон Республикаси Президенти Р. Миннихонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси Президентларининг учрашувларида эришилган келишувлар барча соҳада, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда Татаристоннинг 50 га яқин компаниялари вакиллари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари, мамлакатимизнинг нефть-газ, сайёҳлик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалардаги салоҳияти, амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, яратилган сармоявий муҳит ва имкониятлар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самаралари билан танишди.

Тадбирда нефть-газ, машинасозлик, тўқимачилик, фармацевтика, илм-фан, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Татаристон компаниялари ўртасида амалий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, янги қўшма дастур ҳамда лойиҳаларни бажариш юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес форуми якунида Ўзбекистон Республикаси ва Татаристон Республикаси Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, туризмни ривожлантириш, ахборот-коммуникация, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ҳамкорлик қилишга оид ҳужжатлар имзоланди.

Рустам Миннихонов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда бошқа идораларда музокаралар ўтказди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

* * *

Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов мамлакатимизга ташрифи доирасида 24 сентябрь куни Самарқанддаги муқаддас қадамжо ва тарихий обидалар билан танишди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мангу қўним топган масканни зиёрат қилди, Буюк Йўлбошчимиз қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирди.

(Давоми 2-бетда).

# Нефть-газ соҳасида улкан лойиҳа

*Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида Россиянинг "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Жануби-Ғарбий Ҳисор" лойиҳаси доирасида йилига 4,4 миллиард куб метр газни комплекс тайёрлаш қувватига эга бўлган ҳамда газни дастлабки тайёрлаш қурилмалари, олтита газ йиғиш пункти ишга туширилди.*

**ИҚТИСОДИЁТ**

Ҳисор конлари гуруҳига кирувчи мазкур янги объектлар фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Россиянинг "Лукойл" компанияси президенти В. Алекперов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб нефть-газ саноатида юқори инновацион технологиялар асосидаги ишлаб чиқариш базасини яратиш, углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш орқали янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашга катта аҳамият қаратилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Корея Республикасининг Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашувлар бўлиб ўтди.*

# Самарали ҳамкорлик алоқалари кенгаяди

Мулоқотларда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жамият ҳамда давлат ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ этишнинг ҳозирги ҳолати ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Парламентлараро алоқалар янада мустаҳкамланиши бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик 1995 йилда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида "Корея — Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси тузилиши билан бошланган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида эса 2005 йилдан буён Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ фаолият юритмоқда. Бу, айтиб ўтилганидек, парламентлар ўртасида тажриба алмашиш, турли тадбирларда қатнашиш имконини бермоқда.

Учрашувларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро муносабатларда катта имкониятлар мавжудлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш лозимлиги хусусида фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда).

# Янгиланаётган Ўзбекистоннинг эзгу ташаббуслари

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи жамоатчилик, халқаро экспертлар томонидан қизғин кутиб олинди. Жумладан, нутқда замонамизнинг энг долзарб мавзулари, юртимизда кечаётган ислоҳотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.*

**ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида қайд этишича, давлатимиз раҳбарининг нутқи янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги қиёфасини жаҳон жамоатчилигига намойиш қилди.

ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи конструктив ҳамда узоқ келажакни кўзлайди. Мазкур нутқда БМТнинг асосий учта ғояси — тинчлик ва хавфсизлик, тараққиёт ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз борди. Шавкат Мирзиёев яна бир марта БМТ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг "йўл харитаси" қатъий ижро этилишини билдирди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тўғрисида Комиссия қарори Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарё ўзанларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма хулосаларига асосан қабул қилинади;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 майдаги 135-сон қарорларига мувофиқ амалга оширилади;

дарёлар ўзанларида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шарти билан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

норуда фойдали қазилмалар конини ишлаб чиқиш "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи ишлаб чиқиш тизими бўйича амалга оширилади;

ФВВ ихтисослаштирилган отрядлари ва бошқа ташкилотлар норуда фойдали қазилмалар қайта ишланган ва сотилган ҳолларда, ер қаъридан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда солиқ тўлайди. Бунда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш норуда фойдали қазилмаларни сотишдан олинган даромадлар миқдорига камайтирилади.

2. Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишини аниқлаш ва олдини олиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Идоралараро гуруҳлар (кейинги ўринларда идоралараро гуруҳлар деб юритилади) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар идоралараро гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан, туман ва шаҳар идоралараро гуруҳлари эса, сув объектларининг жойлашувини инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳудудий бўлинмалари қўшма қарори билан ташкил этилади;

идоралараро гуруҳларнинг фаолияти устидан раҳбарлик прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар идоралараро гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ҳолатини Комиссия қарорларига, лойиҳа ҳужжатларига, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларда назарда тутилган шартларга, шунингдек, қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиш;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш юзасидан тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини ташкил қилишда ва ўтказишда иштирок этиш;

ўтказилган тадбирлар ва аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ахборотларни, шунингдек, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифларни мунтазам равишда Комиссияга киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ушбу қарор талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

Бунда ушбу назорат жараёнида ўтказиладиган текширишлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда амалга оширилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси давлат органлари томонидан ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган назорат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ФВВ ихтисослаштирилган отрядларини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш бўйича олдин қабул қилинган қарорларини бекор қилсин, шунингдек, бундан кейин Комиссиянинг тегишли қарорисиз ер участкаларини ажратишга йўл қўймасин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сув объектлари ташқарисида норуда фойдали қазилмаларнинг муқобил хом ашё манбаларини аниқлашга кўмаклашсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилишгача жавобгарликни кучайтиришга қаратилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини;

Дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда қабул қилинган идоравий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И. Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 сентябрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда дарёлар ўзанлари, кўллар, сувни муҳофаза қилиш зоналари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш (кейинги ўринларда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш деб юритилади) ишларини ўтказиш кўринишида амалга ошириладиган қум-шағал материалларини назоратсиз қазиб олиш ҳолатлари кўпайди.

Ушбу фаолият дарё тубларининг ювилиб кетишига, қирғоқларнинг ўпирилишига сабаб бўлади, бу, ўз навбатида, фавқулодда вазиятлар юзага келиши ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга зарар етиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Фақат 2017 йилнинг ўтган даврида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш бўйича **228** та ҳолат аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилган.

Юзага келган вазиятнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, мазкур соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**

Мазкур қарор билан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга оширишга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилган.

Бундан ташқари, транспорт ва гидротехника инфратузилмаси объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш соҳасида аниқ вазифалар белгиланди.

Хусусан, дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари фақатгина тошқин сувлари ва сел оқимларини ўтказиб юборишнинг имкониятсизлиги билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Мазкур ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган туманларда қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядлари ташкил этилади. Ушбу фаолият билан бошқа ташкилотлар ҳам шуғулланиши мумкин.

Бундай ишларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февралдаги ПҚ-585-сон қарори билан ташкил этилган Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори асос ҳисобланади.

Бунда Комиссия томонидан шундай қарор Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг дарёлар ўзанларини ўрганиш ҳамда тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш имкониятларини баҳолаш натижалари бўйича қўшма хулосаларига асосан қабул қилинади.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари, марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш, унинг экологияга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлашда амалга ошириладиган мазкур фаолият лицензияланиши шарт.

Дарёлар ўзанларида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун лицензия Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 майдаги ПҚ-1524-сон қарори билан белгиланган тартибда тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шарти билан берилади.

Норуда фойдали қазилмалар конини ишлаб чиқиш "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи ишлаб чиқиш тизими бўйича амалга оширилади.

Мазкур соҳадаги қонунбузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида таркибига **12** та вазирлик, идора ва ташкилотларнинг, шу жумладан, давлат чегараларини ҳимоя қилиш, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киритилган доимий фаолият кўрсатувчи идоралараро гуруҳлар ташкил этилади.

Ушбу гуруҳлар республикада мавжуд умумий узунлиги **12,7 минг** километрни ташкил этувчи **437** та дарё ва бошқа сув объектлари ҳудудлари бўйича ўз фаолиятини олиб боради.

Идоралараро гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик прокуратура органларига юкланади.

Идоралараро гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

— дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг ҳолатини лойиҳа ҳужжатлари, лицензия шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиш;

— дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини ноқонуний амалга ошириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш;

— ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилишгача бўлган жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Ушбу қарорнинг рўёбга чиқарилиши, шак-шубҳасиз, дарё ва сув ҳавзаларининг ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишни, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш, шунингдек, қум-шағал материалларини ноқонуний қазиб олишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш имконини беради.

# Нефть-газ соҳасида улкан лойиҳа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатни ривожлантиришнинг яқин истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси етакчи саноат ишлаб чиқариш тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали уларни фаоллаштириш имконини бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон нефть-газ саноатида хом ашё қазиб олиш коэффициенти ҳамда маҳсулдорликни ошириш йўлидан бормоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россиянинг "Лукойл" компанияси мамлакатимиз нефть-газ соҳасидаги йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунгача компаниянинг ушбу соҳани ривожлантириш учун иқтисодиётимизга киритган сармояси 6,5 млрд. доллардан ошганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

2008 йилда "Жануби-Ғарбий Ҳисор" лойиҳасига қўшилган мазкур компания юртимизда истиқболли конларни қидириш, ўзлаштириш ва углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорга чиқариш каби бир қатор йирик инвестициявий лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

2011 йил охирида "Жарқудуқ — Янги Қизилча" конларида илк газ қазиб олишни бошлаган компания билан 2014 йил октябрь ойида "Ҳисорни тўлиқ ривожлантириш" лойиҳаси бўйича "Одамтош", "Гумбулоқ" ва "Жарқудуқ — Янги Қизилча" газконденсати конларини лойиҳалаш, етказиб бериш, қуриш ҳамда тўлиқ фойдаланишга топширишни кўзда тутувчи шартнома имзоланган эди. Шунга мувофиқ, жорий йилнинг июль ойида асосий технологик ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш, ишга тушириш ҳамда созлаш ишлари якунига етказилди.



"Жануби-Ғарбий Ҳисор" лойиҳаси доирасидаги янги объектларнинг ишга туширилиши Ҳисор конлари гуруҳида газ қазиб олиш ҳажмини йилига 5 миллиард куб метрга етказиш имконини беради. Лойиҳа доирасида 300 километр юқори кучланишли электр узатиш линиялари, иккита электр подстанцияси, 126 километр автомобиль йўли барпо қилинди.

Тадбирда Ҳисор конлари гуруҳининг ишга туширилганини билдирувчи рамзий машъала ёқилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН — ТАТАРИСТОН БИЗНЕС ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юқори мартабали меҳмон шаҳардаги Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонасини томоша қилди. Мазкур иншоотларнинг ҳар бири халқимизнинг бой ўтмиш ва қадимий маданиятга эга эканидан далолат беришини қайд этди.

Имом Бухорий мажмуаси зиёрати Татаристон Президенти учун Самарқандга ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Дунёга машҳур Сиёб деҳқон бозоридаги тўкин-сочинлик, шарқона савдо маданияти ҳам татаристонлик меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Россия Федерацияси Татаристон Республикаси Президенти Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида мамлакатимизда истиқомат қилаётган татар миллатига мансуб юртдошларимиз билан учрашди, Татаристон санъат усталари иштирокидаги концерт дастурини томоша қилди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎзА мухбирлари.**

# Самарали ҳамкорлик алоқалари кенгаяди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, серқуёш ўлкага, хусусан, бутун дунёга машҳур Самарқандга ташрифи билан боғлиқ таассуротларини ўртоқлашди, икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқалар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

— Менга юртингизда, айниқса, Самарқанд каби гўзал ва навқирон шаҳрингизда бўлиш катта мамнуният бағишлади, — деди Миллий Ассамблея Спикери Чон Сэ Гюн. — Ўзбекистонда аҳоли Корея Республикаси ҳақида кўп маълумотни билиши, корейс миллатига мансуб фуқароларга юксак эҳтиром, чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши, очиғи, мени жуда қувонтирди. Айтиш мумкинки, Жанубий Корея ҳамда Ўзбекистон ишончли ҳамкорлар ҳисобланади. Ўтган 25 йиллик вақт мобайнида мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Жумладан, парламентлараро алоқаларда ҳам муносабатларимиз барқарор ривожланиб бормоқда. Мисол учун, Жанубий кореялик кўплаб депутатлар Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюришди. Шу билан бирга, юртингиз қуйи ва юқори палатаси вакиллари ҳам Корея Республикасида бўлдилар. Парламент аъзолари билан учрашувлар чоғида ўзаро алоқаларни фаоллаштириш таклифини билдирдим. Албатта, бу икки мамлакат парламентлари ўртасида ишчан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, бугун Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, кенг миқёсли ислоҳотларни амалга оширмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий доиралар мазкур саъй-ҳаракатларни юқори баҳолайди. Корея Республикаси парламенти ҳам бу ишларни қўллаб-қувватлайди.

Мулоқотлар чоғида парламентлараро алоқаларни янада кучайтиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Икки мамлакат парламентлари ўртасида доимий алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

